

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

«Геодезия ва картография тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган
Сенат томонидан маъқулланган

1-модда. «Геодезия ва картография тўғрисида» 1997 йил 25 декабрдаги 417-І-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ведомости Олий Мажлиса Республикаси Узбекистан, 1997 г., № 4-5, ст. 122) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирасин;
давлат бошқаруви органларининг ушбу Қонунга зид бўлган меъёрий-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилишни таъминласин

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

Ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда унинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан уч ойдан сўнг кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.Мирзиёев

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Геодезия ва картография тўғрисида (янги тахрир)

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади.

Ушбу Қонуннинг мақсади давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг геодезия ва картография ишларига, маҳсулотига ва хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун геодезия ва картографияга оид фаолиятни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг геодезия ва картография тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.

Геодезия ва картографияга оид қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг геодезия ва картография тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгилаб қўйилган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Умумий тушунчалар.

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

географик ахборот тизими – географик объектлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, моделлаштириш ва акс эттиришга, шунингдек рақамли, картографик, аналогли ва матнли ахборотдан фойдаланган ҳолда умумлашуват ёки тармоқ аҳамиятига эга ахборот ва ҳисоб-китоб вазибаларини ҳал қилишга мўлжалланган ахборотлаштирилган тизим;

геодезия ва картографияга оид фаолият – Ернинг шакли, ташқи гравитация майдони параметрларини, ер юзаси нуқталари координаталари ва уларнинг вақт бўйича ўзгаришларини аниқлашга, Ўзбекистон Республикасининг давлат геодезия, гравиметрик ва нивелир тармоқларини, доимий амал қилувчи сунъий йўлдош станциялари тармоғини яратиш ва улардан фойдаланишга, топографик, тематик хариталар (режалар), давлат

кадастрлари, геофазовий маълумотлар ва геоахборот тизимлари учун банклар (базалар) учун картографик асосни яратиш ва янгилашга қаратилган илмий, ишлаб чиқариш ва бошқарув фаолияти;

геодезия тармоғи – геодезик пунктлар тизими бўлиб, уларнинг ер юзасидаги жойлашуви улар учун умумий бўлган координаталар тизимида геодезик ўлчовлар асосида аниқланган;

геодезия ва картография материаллари ва маълумотлари – ахборотнинг тури ва уни мустақамлаш усулидан қатъи назар, якуний ва оралиқ геодезик, топографик, картографик, шу жумладан нивелир, гравиметрик, аэрокосмик суратга олиш, гидрографик маҳсулот ҳамда геодезия ва картографияга оид фаолият натижасида олинган бошқа маҳсулотнинг барча турлари;

геодезик зичлаштириш тармоқлари – топографик суратга олишни таъминлаш ва турли муҳандислик-геодезия вазифаларини ҳал қилишда давлат геодезия ва нивелир тармоқларини ривожлантириш учун яратиладиган геодезия ва нивелир тармоқлари;

гидрографик ишлар – Ўзбекистон Республикасининг сув объектлари параметрлари ва тавсифларини ҳамда сув объектлари туби рельефини аниқлаш бўйича ишлар;

давлат топографик хариталари ва режалари - умумий давлат мақсадларига эга белгиланган масштаб қаторидаги топографик хариталар ва режалар;

гравиметрик тармоқ – ер юзидаги оғирлик кучи қийматлари маълум бўлган геодезик пунктлар тизими;

Ўзбекистон Республикасининг навбатчи маълумотлар харитаси - харита ва режаларни яратишда ва янгилашда навбатчи картографик ҳужжат сифатида фойдаланиладиган топографик харита бўлиб, унда маъмурий-ҳудудий бирликлар чегаралари жойлашувидаги ўзгаришлар, шунингдек яратилаётган ва янгиланаётган Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг хариталари ва режаларида ҳисобга олиниши ва акс эттирилиши лозим бўлган ўзгаришлар мунтазам равишда акс эттирилади;

Ерни масофадан туриб зондлаш – Ер юзаси ҳақида, унда ёки ер қаърида жойлашган географик объектлар ҳақида материаллар ва маълумотларни ер, ҳаво ёки космосда жойлашган суратга тушириш аппаратлари ёрдамида ҳар қандай контрактсиз усулларда олиш жараёни;

фазовий маълумотлар инфратузилмаси – географик ахборот ресурсларидан фойдаланиш ва алмашилиш учун таянч фазовий маълумотлар,

метамаълумотлар, стандартлар ва регламентлар, ахборот узеллари, геосервислар тизими;

картографик мониторинг – жой ҳолатини картографик ўрганиш мақсадида ер юзасини узлуксиз кузатиш тизими;

давлат топографик хариталари ва режаларининг кўлами (масштаб) – топографик хариталар ва режаларнинг умудавлат аҳамиятига эга геодезия ва картография ишларини бажарганда қўллаш учун ўрнатилган масштаблари;

метамаълумотлар – маълумотлар ҳақидаги маълумотлар, метамаълумотлар таркибига: материаллар ва маълумотларнинг сифати ва келиб чиқиши ҳақида, фазовий-вақт тавсифлари, маълумотларни олиш усуллари ва уларни янгилаш даврийлиги ҳақида, сертификатлаш, интеллектуал мулк ҳақида ҳамда тарқатишга чекловлар ҳақидаги ахборот киритилади;

маҳаллий координаталар тизими – шартли координаталар тизими бўлиб, давлат ҳудудининг чекланган қисмига нисбатан ўрнатилади, унинг координаталари саноғининг бошланиши ва координаталар ўқлари йўналишлари давлат геодезик координаталар тизими координаталари саноғининг бошланиши ва координаталар йўналишига нисбатан силжиган бўлади;

нивелир тармоқ – ер юзасидаги геодезик пунктлар тизими бўлиб, бу пунктларнинг баландлиги улар учун умумий баландликлар тизимида санок бошида қабул қилинган бошланғич пунктга нисбатан, ёки денгиз сатҳидан баландликда белгиланган;

фазовий (геофазовий) маълумотлар – жойдаги объектларнинг жойлашуви ҳақида маълумотларни умумий шаклда ва координаталар тизимларида берадиган ахборот;

тематик харита, режа, атлас ёки харита-схема – асосий мазмуни аниқ мавзу, сюжет, табиий (геологик, метеорологик, иқлимий, тупроққа оид, гидрологик, ботаими, зоологик ва ҳоказо) ёки ижтимоий (тарихий, иқтисодий, сиёсий, маъмурий, ижтимоий ва ҳоказо) воқеалар ёки уларнинг уйғунлашуви билан белгиланадиган харита, режа, атлас ёки харита-схема;

топографик харита – жойнинг муайян масштабда батафсил катографик тасвирланиши бўлиб, ер юзасидаги нукталарнинг ҳам режага нисбатан, ҳам баландлик ҳолатини аниқлаш имконини беради;

топографик суратга тушириш – топографик харита ёки режанинг суратга туширилган аслини олиш мақсадида бажэариладиган ишлар

мажмуаси;

топографик режа – жойнинг чекланган участкасини текис юзада ортогонал проекцияда, йирик масштабда картографик тасвирлаш бўлиб, унинг доирасида даражали юза эгрилиги ҳисобга олинмайди.

4-модда. Геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга оширишнинг асосий принциплари.

Геодезия ва картографияга оид фаолиятнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

геодезия ва картографияга оид фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши ва мувофиқлаштирилиши;

геодезия ва картографияга оид фаолиятнинг тизимлилиги ва узлуксизлиги;

геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва долзарблиги;

геодезия ва картография ишларини бажаришда ўлчовлар бирлигини таъминлаш;

хариталар ва режаларни яратиш ва янгилашда бирхиллаштирилган шартли белгилардан фойдаланиш ва географик объектлар номларини бир хил қўллаш;

геодезия ва картографияга оид фаолият субъектлари геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга ошираётганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлаш;

геодезия ва картографияга оид фаолият ҳақидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик.

5-модда. Геодезия ва картографияга оид фаолият объектлари.

Геодезия ва картографияга оид фаолият объектлари: Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди, ер шарининг ҳудуди, космик фазо, шу жумладан табиий ва сунъий осмон жисмлари.

6-модда. Геодезия ва картографияга оид фаолият субъектлари.

Геодезия ва картографияга оид фаолият субъектлари қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасида махсус ваколатли давлат бошқаруви органи – Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (бундан буён геодезия ва картография соҳасидаги махсус ваколатли орган деб аталади);

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;

ўз ваколатига мувофиқ геодезия ва картографияга оид фаолиятни тартибга солувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари;

геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга юридик ва жисмоний шахслар;

геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотларни сақловчиси бўлмиш юридик ва жисмоний шахслар;

жисмоний шахслар – белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилган мутахассислар – геодезистлар, топографлар ва картографлар.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасида халқаро ҳамкорликдаги иштироки.

Ўзбекистон Республикаси геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ халқаро ҳамкорликда иштирок этади.

2-боб. Геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш.

8-модда. Геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасини давлат томонидан тартибга солишни амалга оширувчи органлари.

Геодезия ва картографияга оид соҳанинг давлат томонидан тартибга солини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган, Мудофаа вазирлиги, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан уларнинг ваколати доирасида амалга оширилади.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасида ягона давлат сиёсатини белгилайди;

геодезия ва картографияга оид фаолиятни ривожлантиришнинг давлат дастурларини тасдиқлайди;

геодезия ва картографияга оид фаолиятни лицензиялаш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни амалга оширади;

давлат топография хариталари ва режаларининг ягона давлат координаталар, баландликлар, гравиметрия ўлчовлари тизимларини, масштаб қаторларини белгилайди;

давлат геодезия назоратини амалга ошириш тартибини ўрнатади;

умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга ишларини рўйхатга олиш тартибини белгилайди;

давлат картография-геодезия кадастрини юритиш тартибини ўрнатади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

10-модда. Геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасида махсус ваколатли орган ваколатлари.

Геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасида ягона давлат сиёсатининг олиб борилишини таъминлайди;

Геодезия ва картографияга оид фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат дастурлари, геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат топография хариталари ва режаларининг ягона давлат координаталар, баландликлар, гравиметрия ўлчовлари тизимларини, масштаб қаторларини қўллаш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

геодезия ва картографияга оид фаолиятни лицензиялашни ташкил қилади ва амалга оширади;

геодезия ва картографияга оид фаолиятни мувофиқлаштиради ва тартибга солади;

умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картография ишларини рўйхатга олади;

геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасида давлат дастурларининг бажарилишини таъминлайди;

давлат тармоқлари турлари ва таркибини, шунингдек уларнинг яратилиши тартибини ва аниқлигига талабларни белгилайди;

давлат геодезия, нивелир, гравиметрик тармоқлари, геодезик зичлаштириш тармоқларини яратади, ривожлантиради ва иш ҳолатида сақлаб туради;

давлат топографик хариталари ва тархларини график, рақамли, фотографик ва бошқа шаклларда яратади, янгилайди ва чоп этади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида геодезик пунктлар жойлашуви зичлиги меъёрларини ҳамда давлат топография хариталари ва режаларини янгилаш даврийлиги меъёрларини белгилайди;

Ернинг картографик мониторинги, масофадан туриб зондлаш ва геодинамик тадқиқотларини амалга оширади;

йўлдош навигация тизимларининг ишлашини таъминлаш учун геодезия ва картография материаллари ва маълумотларини ишлаб чиқади;

фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини яратади, ривожлантиради ва ишлашини таъминлайди;

умумгеографик, сиёсий-маъмурий, илмий-маълумот ва бошқа тематик хариталар, тармоқлараро аҳамиятга эга атласлар, картографик ўқув қўлланмаларини график, рақамли, фотографик шаклларда тузади ва чоп этади;

геодезия, картография ва гидрография ишларини амалга оширади, улар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш ва унинг ўтиш чизиғини текшириш ишларини олиб бориш учун материаллар ва маълумотларни тайёрлайди;

ўз ваколатлари доирасида геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасида техник тартибга солиш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

геодезия ва картография ишларини бажаришда қонун ҳужжатларига мувофиқ ўлчовлар ва метрологик назорат бирлигини таъминлаш бўйича ишларни ташкил қилади;

давлат картография-геодезия кадастрини юритишни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат картография-геодезия фондини шакллантириш ва юритишни амалга оширади;

Давлат геодезия назоратини ташкил қилади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва эълон қилади;

илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-технологик ишларни бажаради;

мутахассислар – геодезистлар, топографлар ва картографларнинг малака имтиҳонларини ўтказишни ва уларни аттестация қилишни ташкил этади;

аттестация қилинган мутахассислар – геодезистлар, топографлар ва картографларнинг давлат реестрини юритади;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, юридик ва жисмоний шахсларни геодезия ва картография материаллари ва маълумотлари билан таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги манфаатларидаги давлат аҳамиятига ва махсус аҳамиятга молик топография-геодезия ва картография ишлари бажарилишини таъминлайди;

топография-геодезия ва картография ишларининг сифатини назорат қилади, бу ишлар натижалари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари томонидан фойдаланилади;

ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

12-модда. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги ваколатлари.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

махсус (тармоқ) аҳамиятига эга геодезия ва картография ишларининг бажарилишини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

3-боб. Геодезия ва картографияга оид фаолият турлари.

13-модда. Геодезия ва картография ишлари турлари.

Геодезия ва картографияга оид фаолият бажарилаётган ишларнинг мақсадига қараб қуйидагиларни ўз ичига олади:

умумий давлат аҳамиятига молик геодезия ва картография ишлари;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар эҳтиёжлари учун бажарилиши шарт бўлган махсус (тармоққа оид) аҳамиятга эга геодезия ва картография ишлари.

14-модда. Умумий давлат аҳамиятига молик геодезия ва картография ишлари.

Умумий давлат аҳамиятига молик геодезия ва картография ишларига қуйидагилар киради:

Ер шакли параметрлари ва ташқи гравитация майдонини аниқлаш;

давлат геодезия, нивелир, гравиметрик тармоқлари, геодезик зичлаштириш тармоқларини яратиш, ривожлантириш ва иш ҳолатида сақлаб туриш;

аниқлиги ва мазмуни умумдавлат, муҳофаа, илмий-тадқиқот вазибалари ва бошқа тармоқлараро вазибаларни ҳал қилишни таъминлайдиган давлат топографик хариталари ва тархларини график, рақамли, фотосуратли ва бошқа шаклларда яратиш, янгилаш ва чоп этиш;

Ернинг картографик мониторинги, масофадан туриб зондлаш ва

геодинамик тадқиқотларини амалга ошириш;

йўлдош навигация тизимларининг ишлашини таъминлаш учун геодезия ва картография материаллари ва маълумотларини ишлаб чиқиш;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини яратиш, ривожлантириш ва ишлашини таъминлаш;

Миллий географик ахборот тизимини, умумдавлат аҳамиятига молик бошқа географик ахборот тизимларини яратиш ва юритиш;

давлат геодезия назоратини амалга ошириш;

давлат картографик-геодезик кадастрни юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат картография-геодезия фондини шакллантириш ва юритиш;

умумгеографик, сиёсий-маъмурий, илмий-маълумот ва бошқа тематик хариталар, тармоқлараро аҳамиятга эга атласлар, картографик ўқув қўлланмаларини график, рақамли, фотографик шаклларда тузиш ва чоп этиш;

геодезия, картография ва гидрография ишларни амалга ошириш, улар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш ва унинг ўтиш чизиғини текшириш ишларини олиб бориш учун материаллар ва маълумотларни тайёрлаш;

геодезия ва картография ишларини метрологик таъминлаш;

географик объектлар номларини белгилаш, нормаллаштириш, давлат рўйхатидан ўтказиш, фойдаланиш ва сақлаш;

геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасида меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш ва чоп этиш;

ушбу моддада санаб ўтилган йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-технологик ишлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бўйича амалга ошириладиган, натижалари умумдавлат аҳамиятига молик бошқа геодезия ва картография ишлари.

15-модда. Махсус (тармоқлараро) аҳамиятга эга геодезия ва картография ишлари.

Махсус (тармоқлараро) аҳамиятга эга геодезия ва картография ишларига қуйидагилар киради:

муҳандислик қидирувларида, бино ва иншоотларни куриш ва улардан фойдаланишда, ер тузишда, давлат кадастрларини юритишда ва геодезия

тармоқларини қуриш талаб этиладиган бошқа ишларда геодезия ва нивелир зичлаштириш тармоқларини қуриш ва ривожлантириш;

муҳандислик қидирувларида, бино ва иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланишда ва геодезия тармоқларини қуриш талаб этиладиган бошқа ишларда махсус геодезия тармоқларини қуриш;

аҳоли пунктлари хурудлари ҳамда қишлоқлараро ҳудудларни ривожлантириш ва уларда қурилиш олиб бориш учун, шунингдек съёмка геодезия тармоқларини қуриш, топографик тархларни яратиш ва янгилаш талаб қилинадиган бошқа ишларни бажариш учун съёмка геодезия тармоқларини қуриш, топографик тархларни яратиш ва янгилаш;

махсус аҳамиятга молик географик ахборот тизимларини яратиш ва юритиш;

махсус аҳамиятга молик тематик хариталар, тархлар ва атласларни график, рақамли ва фотографик шаклларда тузиш ва чоп этиш.

муҳандислик қидирувларидаги геодезия ва топография ишларини таъминлаш учун Ерни масофадан туриб зондлаш.

16-модда. Ўзбекистон Республикаси мудофаасини ва миллий хавфсизлигини таъминлаш манфаатларидаги геодезия ва картографияга оид фаолият.

Ўзбекистон Республикаси мудофаасини ва миллий хавфсизлигини таъминлаш манфаатларидаги геодезия ва картографияга оид фаолият топографик ва аэронавигацион хариталарни тузиш ва чоп этиш, махсус геодезия тармоқларини ривожлантириш, махсус аҳамиятга молик географик ахборот тизимларини яратиш учун геодезия ва картография ишларини бажаришни назарда тутди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасилаги махсус ваколатли орган томонидан ўзаро келишилган ишлар режаси асосида амалга оширилади.

17-модда. Координаталар, баландликлар, гравиметрик ўлчовлар тизимлари ва давлат топографик хариталари ва тархларининг масштаб қатори.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картография ишларини бажаришда Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган координаталар, баландликлар, гравиметрик ўлчовлар тизимлари ва давлат топографик хариталари ва тархларининг масштаб қаторидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳудудларида умумдавлат аҳамиятига ва махсус (тармоқ) аҳамиятга молик геодезия ва картография ишларини ва бошқа ишларни бажаришда маҳаллий координаталар тизимларидан, уларнинг давлат геодезик координаталар тизими билан боғланганлиги таъминланиши шарти билан, фойдаланилиши мумкин.

Маҳаллий координаталар тизимини белгилаш ва қўллаш тартиби геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида илмий-тадқиқот, хўжалик ва бошқа вазифаларни ҳал қилиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари томонидан, геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган билан келишган ҳолда, давлат координаталар ва баландликлар тизимлари ёки маҳаллий координаталар тизимлари бўлмаган координаталар ва баландликлар тизимларидан фойдаланилиши мумкин.

18-модда. Давлат геодезик, нивелир, гравиметрик тармоқлар.

Давлат геодезик, нивелир, гравиметрик тармоқлар геодезик, картографик, гидрографик, навигацион, аэрокосмик ва бошқа фаолият турларини амалга ошириш учун зарур давлат геодезик координаталар ва баландликлар тизимлари, гравиметрик ўлчовларни белгилаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш мақсадида яратилади ҳамда бошқа геодезик, нивелир, гравиметрик тармоқлар, геодезик зичлаштиришлар тармоқларини қуриш учун бошланғич ҳисобланади.

Давлат геодезия тармоқларини яратиш тартиби, шу жумладан уларнинг турлари, таркиби ва аниқлигига талаблар геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

19-модда. Давлат геодезик нивелир, гравиметрик тармоқлар ҳамда давлат топографик хариталар ва тархларга умумий талаблар.

Давлат геодезия, нивелир, гравиметрик тармоқлари ҳамда давлат

топографик хариталар ва тархлар долзарб ҳолатда сақлаб турилиши керак.

Геодезия, нивелир ёки гравиметрик тармоқларнинг долзарб ҳолати деганда геодезия, нивелир ёки гравиметрик тармоқнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг геодезик, нивелир ёки гравиметрик тармоқларни яратиш, ривожлантириш ва қўллар натижасида олинган, аниқлиги ва ўз вақтидалилиги геодезия ва картографияга оид фаолиятни техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ таъминланадиган материаллар ва маълумотларга бўлган талабини кондирадиган ҳолати тушунилади.

Давлат топографик хариталар ва тархларнинг долзарб ҳолати деганда давлат топографик хариталар ва тархларнинг шундай ҳолати тушуниладики, бунда уларнинг айна пайтдаги мазмуни жойнинг ҳақиқий ҳолатига мос келади ҳамда амалдаги шартли белгиларда ва ўрнатилган координаталар тизимида акс эттирилган бўлади.

Давлат геодезия, нивелир, гравиметрик тармоқларни долзарб ҳолатда сақлаб туриш учун давлат геодезия, нивелир ва гравиметрик тармоқларни мунтазам тиклаб, давлат топографик хариталар ва тархларни эса янгилаб туриш керак.

Давлат геодезия, нивелир, гравиметрик тармоқларни тиклаш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида геодезик пунктларнинг жойлаштирилиши зичлиги меъёрларини ҳисобга олган ҳолда бажарилади.

Давлат топографик хариталар ва тархларни янгилаш уларни янгилаш даврийлиги нормаларига мувофиқ бажарилади.

Геодезик пунктларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашуви зичлиги нормалари ҳамда давлат топографик хариталар ва тархларни янгилаш даврийлиги нормалари геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

20-боб. Геодезик пунктлар.

Геодезик пункт – координаталари ва баландликлари маълум бўлган нуқталарни ер юзасида кўрсатиш учун мослама ва (ёки) қурилма бўлиб, махсус марказдан, ташқи чети геодезик пунктнинг чегараси бўлган ариқ ёки вал кўринишидаги ташқи белгидан ҳамда ташқи белгиланишидан иборат. Геодезик пунктнинг ташқи белгиланиши бўлмаган тақдирда унинг чегарасини ташқи белгининг асоси ташкил қилади.

Давлат геодезия, нивелир, гравиметрик тармоқлар геодезик пунктлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига яратилган бошқа геодезия пунктлари, уларнинг марказлари ва ташқи белгиланиши давлат ҳимоясидадир.

Ер участкаларини уларда геодезик пунктларни жойлаштириш учун ажратиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Геодезик пунктлар чегараларида ушбу чегаралар бўйлаб 1 метр кенгликдаги полосада геодезик пунктларнинг муҳофаза қилинадиган зоналари жойлаштирилади.

Ташқи белгилари бўлмаган, махсус марказлари эса бинолар ва бошқа иншоотлар деворларида жойланган геодезик пунктлар учун пунктлар чегаралари ва муҳофаза қилинадиган зоналар ўрнатилмайди.

Геодезик пунктларнинг муҳофаза қилинадиган зоналарида:

геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли органнинг рухсатсиз географик пунктларнинг сақланишини ва геодезия ишлари олиб борилаётганда улардан фойдаланиш имконини таъминламайдиган ишларни олиб бориш;

турли материалларни тахлаш, гулхан ёқиш, чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш, шунингдек геодезик пунктларнинг зарарланиши ёки йўқ қилинишига олиб келиши мумкин бўлган бошқа ишларни бажариш ман этилади.

Геодезик пунктларнинг сақланганлигини кузатишни ташкил этиш улар жойлашган ҳудудлардаги туман (шаҳар) ҳокимликларига юклатилади.

Геодезик пунктларга шикаст етказилиши ёки йўқ қилинишида, шунингдек улар тайёрланган материалларни ўғирлашда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида геодезик пунктларни жойлаштириладиган жойлар ва уларни жойлаштириш зичлиги геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Давлат геодезия, нивелир, гравиметрик тармоқлари геодезик пунктларини бузиш ёки бошқа жойга кўчириш фақат геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли органнинг қарори бўйича, бошқа геодезик пунктларни эса - геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган билан келишилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Геодезик пунктларни бузиш, тиклаш, шунингдек бошқа жойга кўчириш бўйича ишларни (марказни ҳосил қилиш, ташқи белгини ўрнатиш,

координаталар, баландликлар ёки геодезик пунктдаги оғирлик кучи кийматлари ва булар билан боғлиқ тенглама ҳисоб-китоблари) юридик шахслар томонидан геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли органнинг қарорига мувофиқ ёки у билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу модданинг еттинчи қисмда кўрсатилган ишларни бажариш билан боғлиқ харажатларни юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан фаолияти геодезик пунктларнинг шикастланишига, қайта барпо этилишига ёки бузилишига олиб келган якка тартибдаги тадбиркорлар қоплайди.

Геодезик фаолият субъектлари геодезия ишларни бажаришда геодезия пунктларининг сақланганлигини таъминлаши шарт.

Геодезик пунктлар жойлашган ер участкалари, бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқ эгалари:

геодезия пунктларининг сақланганлигини таъминлаши, уларнинг муҳофазалаш зоналари режимига риоя этиши;

геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли органни геодезия пунктларга шикаст етказилган ёки улар йўқ қилинган барча ходисалар ҳақида хабардор қилиши;

геодезия ишлари ижрочиларига геодезия ишларини олиб бораётганда геодезия пунктларига кириб бориши (яқинлашиши) имконини бериши шарт.

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг Миллий фазовий маълумотлар инфратузилмаси.

Ўзбекистон Республикасининг Миллий фазовий маълумотлар инфратузилмаси фазовий маълумотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, тарқатиш, интеграция қилиш ва қўллаш учун зарур технологиялар, илмий-техник сиёсат, техник регламентлар, миллий ва халқаро стандартлар, ташкилий таъминот, инсон ресурслари ва бошқа ресурсларни бирлаштиради.

Миллий фазовий маълумотлар инфратузилмаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот тизимларида мавжуд фазовий маълумотларни яратиш, янгилашни, фазовий маълумотлардан фойдаланиш имкониятини таъминлайди ҳамда қуйидаги ўзаро бир-бирига боғлиқ компонентлардан ташкил топади:

таянч фазовий маълумотлар;

фазовий маълумотларга оид стандартлар ҳамда уларни яратиш ва улардан фойдаланиш усуллари;

метамаълумотлар базалари ва маълумотлардан фойдаланиш механизми.

Таянч фазовий маълумотларга, уларнинг таркиби ва мазмунига, метамаълумотларга талаблар Ўзбекистон Республикаси миллий стандартлари билан белгиланади.

4-боб. Геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга ошириш шартлари ва ташкил қилиш.

22-модда. Геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга оширишга асосий талаблар.

Геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга оширишда куйидагилар таъминланиши шарт:

конун ҳужжатлари талабларига, шу жумладан лицензия талаблари ва шартларига, стандартлар ва техник регламентларга, шунингдек лойиҳа-смета ва техник ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг илғор технологиялари ва усуллари жорий этиш;

геодезия ва картография ишларини одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи, атроф муҳитнинг ҳолати ҳамда тарихий-маданий қимматга эга объектлар учун хавфсиз усуллар ва услубларда бажариш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси, маъмурий-ҳудудий жойлашуви, шунингдек хорижий давлатлар ва бошқа сиёсий-маъмурий ва географик элементлар чегараларини хариталарда тўғри график тасвирлаш;

Геодезик ва картографик материаллар ва маълумотни ҳисобга олиш ва сақлаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги давлат геодезия тармоқларининг ҳолатини ва картографик материалларнинг ҳозирги жой ҳолатига мувофиқлигини мунтазам таҳлил қилиш.

23-модда. Умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картография ишларининг бажарилишини ташкил қилиш.

Умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картография ишларининг бажарилишини геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан

тасдиқланган геодезия ва картографияга оид фаолиятни ривожлантириш давлат дастурлари асосида ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари буюртмалари бўйича ташкил қилади.

Геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан – Ўзбекистон Республикасининг мудофааси ва миллий хавфсизлигини таъминлаш манфаатларида геодезия ва картография ишларини бажаришда;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан – Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг ўтиши чизиғини делимитацияси ва демаркацияси бўйича ишларни олиб боришда;

Умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картография ишларини бажаришга жалб қилинган ташкилотлар ва юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

24-модда. Махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картография ишларини бажаришни ташкил қилиш

Махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картография ишларининг бажарилишини геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тармоқлараро ва тармоққа оид дастурлар, режалар, лойиҳалар асосида ташкил қилади ва мувофиқлаштиради.

Махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картография ишлари умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картография ишларини бажариш натижасида олинган геодезия ва картография материаллари ва маълумотлари асосида бажарилади.

Махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картография ишлари ихтисослаштирилган давлат ташкилотлари, шунингдек геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияга эга бошқа геодезия ва картографияга оид фаолиятнинг бошқа субъектлари томонидан бажарилади.

25-модда. Геодезия ва картография ишлари буюртмачилари.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағларидан

молиялаштириладиган умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картография ишларининг буюртмачиси геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли органдир.

Қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан молиялаштириладиган умумдавлат аҳамиятига, шунингдек махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картография ишларининг буюртмачиси давлат органлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик шахслар ҳамда жисмоний шахслардир.

26-модда. Геодезия ва картография ишларини бажариш ҳуқуқига эга шахслар.

Геодезия ва картография ишларини мазкур модда талабларига мувофиқ геодезист, топограф ёки картограф малакасини олган, малака имтиҳонини топширган ва малака аттестатини олган махсус маълумотга эга жисмоний шахслар бажаришлари мумкин.

Муомалага лаёқати чекланган ёки суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб тан олинган шахс аттестацияланган мутахассис – геодезист, топограф, картограф бўла олмайди.

Малака аттестатлари геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан геодезист, топограф ёки картограф-мутахассисларга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлик бўйича аттестациядан ўтган шахсларга берилади.

Геодезист, топограф ёки картограф-мутахассисларга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлик бўйича аттестацияга қуйидаги талабларга жавоб берадиган жисмоний шахслар қўйилади:

давлат аккредитациясига эга таълим муассасасида геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланган мутахассисликлардан бири бўйича олинган олий ёки ўрта махсус маълумотнинг бўлиши;

ёпилмаган ёки олиб ташланмаган судланганликнинг йўқлиги.

Юридик шахс қуйидагилар бўлганда геодезик ёки картографик ишларнинг ижроси бўлиб ҳаракат қилиши мумкин:

геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия;

штатидаги геодезист, топограф ёки картограф-мутахассис малака аттестатига эга шахслар.

27-модда. Аттестацияни ўтказиш ва малака аттестатини бериш тартиби.

Аттестация малака имтиҳони шаклида, геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан жорий этиладиган автоматлаштирилган ахборот тизимини қўллаган ҳолда ўтказилади.

Малака имтиҳонларини геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан шакллантириладиган малака комиссияси қабул қилади.

Малака комиссиясининг таркиби ва ишлаш тартиби, малака аттестацияни олиш ҳақида ариза билан бирга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати, малака аттестатларини бериш ва бекор қилиш тартиби, малака имтиҳонларини ўтказиш дастурлари ва тартиби геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Малака имтиҳонини топширган геодезист, топограф ёки картограф-мутахассисга қоғоз ёки электрон шаклда малака аттестати берилади, у шахсининг касб малака тавсифларига мувофиқлигини ҳамда у геодезия ва картография ишларини мустақил бажара олишини тасдиқлайди.

Малака аттестати 10 йил муддатга берилади. Бунда малака аттестати аттестациядан ўтказилган мутахассис ҳақидаги маълумотлар аттестацияланган геодезист, топограф, картограф-мутахассислар реестрига киритилган кундан бошлаб амал киритилган деб тан олинади.

Малака имтиҳонини топширмаган шахслар икки ой ўтгандан кейингина қайта имтиҳон топширишга қўйилади.

Малака комиссиясининг қарорлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Аттестацияланган мутахассислар - геодезистлар, топографлар ёки картографлар ҳар беш йилда камида бир марта малака ошириш дастури бўйича малака оширишлари шарт. Ушбу талабни бажармаслик малака аттестатининг амал қилишини малака оширганлик ҳақидаги гувоҳнома олингунга қадар тўхтатиб қўйиш учун асос бўлади.

Малака аттестати геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

малака аттестатини олиш учун сохта хужжатлар тақдим этилганлиги аниқланганда;

малака комиссиясига аттестацияланган мутахассис – геодезист, топограф, картограф томонидан уларнинг геодезия ва/ёки картографик ишларни сифатсиз бажарганлиги билан боғлиқ зарар етказилганлиги ҳақида суд қарори билан тасдиқланган маълумотлар келиб тушганда. Аттестацияланган мутахассис етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплаганда суд қарори талаб этилмайди;

аттестацияланган мутахассис – геодезист, топограф, картограф малака комиссиясига ўз малака аттестатини бекор қилиш ҳақида ариза берганда;

шахснинг (сертификатланган мутахассис – геодезист, топограф, картографнинг) муомалага лаёқати чекланганлиги, унинг муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб тан олиш ҳақидаги суд қарори қонуний кучга кирганда;

аттестацияланган мутахассис – геодезист, топограф, картограф томонидан геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасида қонун хужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда малака комиссиясининг тақдимномаси бўйича;

ўлим ҳақидаги гувоҳнома асосида.

28-модда. Аттестацияланган мутахассислар - геодезистлар, топографлар, картографларнинг давлат реестри.

Геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган малака сертификатини олган аттестацияланган мутахассислар – геодезистлар, топографлар, картографлар давлат реестрини юритади.

Аттестацияланган мутахассислар – геодезистлар, топографлар, картографлар давлат реестрига қуйидаги маълумотлар киритилади:

аттестацияланган мутахассиснинг фамилияси, исми, отасининг исми; туғилган санаси ва жойи;

аттестацияланган мутахассиснинг иш жойи ва лавозими;

аттестацияланган мутахассис билан алоқа қилинадиган боғланиш телефони рақами, почта манзили ва электрон почта манзили;

аттестацияланган шахс –Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг шахсини тасдиқлайдиган асосий хужжат маълумотлари;

аттестацияланган мутахассис битирган ўқув муассасасининг номи;

малака комиссиясининг малака аттестатини бериш ҳақидаги қарори баённомасининг санаси ва рақами;

малака аттестатини бериш рақами ва санаси;

малака ошириш ҳақидаги ахборот;

фаолиятнинг тўхтатилганлиги ёки малака аттестатидан маҳрум қилинганлиги ҳақида ахборот (малака аттестатини бекор қилиш санаси ва асоси).

Аттестацияланган мутахассислар – геодезистлар, топоографлар, картографлар давлат реестрини юритиш тартиби геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан ўрнатилади.

Аттестацияланган мутахассислар – геодезистлар, топоографлар, картографлар давлат реестрида мавжуд маълумотлар ҳамма учун очиқ бўлади ҳамда ҳар қандай манфаатдор шахслар сўровига кўра геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан берилади. Бундай маълумотлар тегишли сўров келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этилади.

Аттестацияланган мутахассислар – геодезистлар, топоографлар, картографлар давлат реестри геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли органнинг Интернет тармоғидаги расмий сайтига жойлаштирилиши керак.

29-модда. Геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар геодезия ва картография ишларини ташкил этиш тартибини, геодезия ва картография ишларини бажариш аниқлиги, усуллари, услублари ва технологияларига, геодезик тармоқларга, хариталар, режалар, атласлар, жойнинг рақамли моделларига қўйиладиган асосий техникавий талабларни, геодезия ва картография ишлари ва уларнинг сифатига қўйиладиган бошқа асосий талабларни белгилайди.

Геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги умумдавлат аҳамиятига молик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар геодезия ва картографияга оид фаолиятнинг барча субъектлари геодезия ва картография ишларини бажарганда ижро этиши учун мажбурийдир.

Геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шунингдек давлат ва бошқа экспертизаларини ўтказиш, геодезия ва картографияга оид фаолият устидан давлат геодезия назоратини амалга ошириш учун асос бўлади.

30-модда. Геодезия ва картографияга оид фаолиятни метрологик таъминлаш ва стандартлаштириш.

Геодезия ва картографияга оид фаолиятни метрологик таъминлаш ва стандартлаштириш эталонлар, стандартлар тизимини ҳамда бажарилиши шарт бўлган стандартлаштириш бўйича бошқа норматив ҳужжатларни ўз ичига олади ҳамда ушбу соҳадаги муддатлар ва номларни, геодезик кузатувларда асбоблардан фойдаланиш режимини, геодезия ўлчовлари сифатини назорат қилиш усуллари, геодезия ва картографияга оид фаолият билан боғлиқ бошқа масалаларни белгилайди.

Геодезия ўлчовларининг бир хиллигини таъминлаш, геодезия ўлчов воситаларининг синовини амалга ошириш, кўрсатилган воситаларни стандартлаштириш бўйича ишларда иштирок этиш, геодезия, топография ва картография маҳсулотини мажбурий сертификатлаш бўйича ишларни ташкил қилиш ва ўтказиш, геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасида метрология назоратини амалга оширишда иштирок этиш геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган зиммасига юклатилади.

Геодезия ва картографияга оид фаолиятни метрологик таъминлаш ва стандартлаштириш геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан, қонунчиликда белгиланган тартибда, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқаруви органи билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилади.

5-боб. Геодезия ва картографияга оид фаолиятни лицензиялаш тартиби.

31-модда. Геодезия ва картографияга оид фаолиятни лицензиялаш

Геодезия ва картографияга оид фаолият мазкур моддада белгиланган тартибда лицензияланиши лозим.

Лицензияланадиган геодезия ва картография ишлари турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Геодезия ва картографияга оид фаолиятни юридик шахслар лицензия асосида амалга оширади.

Лицензия даъвогарлари юридик шахслар бўлиши мумкин.

Геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун намунавий (оддий) лицензиялар берилди.

Геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилди.

Лицензия даъвогарининг аризасига кўра лицензия умуман фаолият турига ёки унинг қисмига (алоҳида фаолият турларига) берилиши мумкин.

Геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги лицензияловчи орган геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли органдир (бундан буён лицензияловчи орган деб аталади).

Лицензияларни бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш, шунингдек уни тугатиш ва қайта расмийлаштириш ҳақидаги қарорлар лицензияловчи орган томонидан қабул қилинади.

31-модда. Лицензия талаблари ва шартлари.

Геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга оширишдаги лицензия талаблари ва шартлари қуйидагилар:

лицензиат томонидан геодезия ва картографияга оид фаолият ҳақидаги қонунчиликка, шу жумладан лицензияловчи орган томонидан тасдиқланадиган геодезия ва картография ишларини бажаришни техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя қилиш;

штатда камида битта маълумот ҳақида ҳужжатга ҳамда лицензияда кўрсатилган фаолият турлари бўйича уч йилдан кам бўлмаган иш стажига эга ходим бўлиши;

тасарруфида белгиланган талабларга мос келадиган моддий-техник база, геодезия ва картография ускуналари, бошқа техник воситаларнинг бўлиши;

геодезия ва картография ишларини амалга оширишни техник тартибга солувчи зарур норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилганлиги;

лицензиат чекланганлик (ёпиқ) даражасига эга маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни бажарган тақдирда, режим органининг бўлиши.

Лицензия келишувида мазкур модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган аниқ лицензия талаблари назарда тутилиши мумкин.

Геодезия ва картографияга оид фаолиятнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур моддий-техника базасига, ускуналарга ва бошқа техник воситаларга қўйиладиган талаблар лицензияловчи орган томонидан белгиланади ва тасдиқланади.

33-модда. Лицензияни олиш учун зарур ҳужжатлар.

Лицензияни олиш учун талаблар лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

лицензия бериш ҳақида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади: юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган ери (почта манзили), банк муассасаси номи ва банкдаги ҳисобрақами, лицензияланадиган фаолият тури (ёки унинг қисми);

лицензияловчи орган томонидан лицензия бериш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

лицензияланадиган иш турларини бажарадиган мутахассислар ҳақида маълумотлар (сони, маълумоти, мутахассислик бўйича иш стажи);

техник жиҳозланганлик ҳақида ҳамда лицензияланувчи ишларни бажаришни техник тартибга солувчи норматив-техник ҳужжатлар мавжудлиги ҳақида маълумотлар;

геодезия, картография асбоблари ва ускуналарининг метрологик таъминоти ҳақида гувоҳномалар нусхалари.

Лицензия даъвогаридан мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Лицензия олиш учун зарур ҳужжатларни лицензия даъвогари лицензияловчи органга бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда тақдим этади ҳамда уларнинг олинганлиги ҳақида хабардор қилинади. Электрон шаклда топширилган ҳужжатлар лицензия даъвогарининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади. Лицензия бериш ҳақидаги аризада талабгор электрон манзилининг кўрсатилганлиги унинг аризаси бўйича қабул қилинган қарор ҳақида электрон шаклда ахборот тизими орқали хабарнома олишига бўлган розилигидир.

Лицензия олиш учун лицензияловчи органга юборилган ҳужжатларни лицензияловчи органнинг масъул шахси рўйхат бўйича қабул қилиб олади,

унинг нухаси лицензияловчи орган томонидан хужжатлар қабул қилиб олинган сана кўрсатилган ҳолда аризачига юборилади (топширилади).

Нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тақдим этганлиги учун лицензия даъвогари қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

34-модда. Лицензия бериш ҳақидаги аризани кўриб чиққанлик учун йиғим.

Лицензия даъвогари аризасининг лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилиши учун йиғим ундирилади.

Лицензия даъвогари аризасини кўриб чиққан учун йиғим миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лицензияловчи органнинг уни кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатлари доирасида белгиланади. Бунда йиғимнинг энг кўп миқдори қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ортиб кетиши мумкин эмас.

Лицензия даъвогарлари аризаларини кўриб чиқиш учун йиғимлар лицензияловчи орган ҳисобрақамига ўтказилади.

Лицензия даъвогари берган аризасидан бош тортган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

35-модда. Лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилиш.

Лицензияловчи орган лицензия даъвогари аризасини барча зарур хужжатлар билан бирга олгандан кейин йигирма кундан ошмайдиган муддатда намунавий (оддий) лицензини бериш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Лицензияловчи орган, зарурат юзага келганда, шартнома асосида тегишли хўулосаларни таёрлаш учун ўз маблағлари ҳисобига экспертларни жалб қилиши мумкин.

Лицензияловчи орган қабул қилинган қарор ҳақида лицензия даъвогарини тегишли қарор қабул қилгандан кейин уч кун ичида хабардор қилиши шарт. Қарор баённома шаклида қабул қилинади, лицензияловчи органнинг биринчи раҳбари томонидан, у узрли сабабларга кўра (касаллик, таътилда ёки хизмат сафаридида бўлганлиги) бўлмаганда эса унинг геодезия ва картографияга оид фаолиятни назорат қилувчи ўринбосари томонидан имзоланади.

Лицензияловчи орган зарур ҳолларда лицензия даъвогари томонидан лицензия талаблари ва шартлари қанчалик бажарилиши мумкинлигини жойга чиқиб ўрганиш ҳуқуқига эга.

Лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилинганлиги ҳақида хабарнома лицензия даъвогарига ёзма шаклда, шу жумладан электрон шаклда ахборот тизими орқали, банк ҳисобрақами реквизитларини ва давлат божини тўлаш муддатини кўрсатган ҳолда юборилади (топширилади). Лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилинганлиги ҳақида лицензия даъвогарини хабардор қилиш билан бир вақтда унга лицензия келишуви имзо чектириш учун юборилади.

Лицензия бериш рад этилганлиги ҳақида хабарнома лицензия даъвогарига ёзма шаклда, шу жумладан электрон шаклда ахборот тизими орқали, рад этиш сабабларини ҳамда бу сабабларни бартараф этгандан кейин ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун юбориш мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда юборилади (топширилади). Лицензия бериш рад этилганлиги ҳақида хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга тенг бўлиши, аммо уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Агар лицензияловчи орган лицензия бериш ҳақида аризани кўриб чиқиш муддати давомида лицензияни бериш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилмаса, ушбу кўрсатилган муддат тугагандан кейин лицензия даъвогари ўзи сўраган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади ва бу ҳақда лицензияловчи органни хабардор қилади.

Мазкур модданинг еттишчи қисмида назарда тутилган ҳолда, лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг ёзма хабарномасини олгандан кейин беш иш куни мобайнида унга лицензияни бериши шарт. Лицензия олингунга қадар топширилган ҳужжатларнинг уларни қабул қилиш санаси ҳақида белги қўйилган рўйхати, ҳамда лицензия даъвогари томонидан лицензияловчи органга юборилган ёзма хабарнома лицензияга тенглаштирилади ҳамда бундай фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлади. Бунда лицензия даъвогари лицензиясиз фаолият билан шуғулланганлиги учун жавобгарликка тортилмайди.

Лицензия даъвогари лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни такрор кўриб чиқиш лицензияловчи орган томонидан лицензия даъвогари аризаси барча зарур ҳужжатлар билан бирга олинган кундан эътиборан ўн кундан ошмайдиган

муддатда амалга оширилади. Лицензия даъвогарлари аризаларини такрор кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия даъвогари аризасини такрор кўриб чиқишда аввал лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия даъвогарининг лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган аризаси янгитдан топширилган деб ҳисобланади.

Лицензия даъвогари давлат божини тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатгандан ҳамда лицензия келишувини имзолагандан кейин унга лицензия берилади.

Агар лицензиат лицензия бериш ҳақида хабарнома юборилган (топширилган) пайтдан бошлаб уч ой ичида лицензияловчи органга лицензия бериш учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса, ёхуд лицензия келишувини имзоламаса, лицензияловчи орган ушбу лицензияни бекор қилишга ҳақли.

36-модда. Лицензия беришни рад этиш.

Лицензия бериш “Алоҳида фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асосларга кўра рад этилиши мумкин.

Лицензия даъвогари лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш ҳақидаги қарори устидан, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилишга ҳақли.

37-модда. Лицензияларни расмийлаштириш

Лицензиялар тегишли бланкларда расмийлаштирилади.

Лицензия бланклари қатъий ҳисобот ҳужжатлари бўлиб, ҳисоб серияси, рақам ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлиши керак. Лицензиялар бланклари намуналари лицензияловчи орган томонидан ишлаб чиқилади ҳамда унинг буюртмаси билан ҳимояланган ҳужжатлар ва қоғозларни чиқарувчи ваколатли орган томонидан тайёрланади.

Лицензия йўқолган ёки бузилган (ташқи омиллар, шу жумладан олов, сув, бошқа суюқ ва қаттиқ жисмлар ва шунга ўхшаш бошқа жисмлар

таъсирида яроқсиз ҳолда келган) тақдирда лицензиат аризасига кўра унинг дубликати берилади. Дубликат берилаётганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган йиғим суммасининг ярми ундирилади.

Лицензиялар мазкур бобда назарда тутилган тартибда расмийлаштирилади ҳамда лицензияловчи органнинг раҳбари томонидан, у узрли сабабларга кўра (касаллик, таътилда ёки хизмат сафарида бўлганлиги) бўлмаганда эса унинг геодезия ва картографияга оид фаолиятни назорат қилувчи ўринбосари томонидан имзоланади.

38-модда. Лицензия келишуви.

Лицензия келишуви лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган ҳужжат бўлиб, лицензияловчи орган билан лицензиат ўртасида тузилади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

келишувни имзолаган мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими;

тарафлар реквизитлари;

лицензияланилаётган фаолият турининг номи;

лицензиатга қўйилаётган лицензия талаблари ва шартлари;

тарафларнинг лицензия келишуви талаблари ва шартларини бузганлик учун жавобгарлиги;

лицензияловчи органнинг лицензия келишуви талаблари ва шартларининг лицензиат томонидан бажарилиши устидан назорат қилиши тартиби.

Лицензия келишуви икки нусхада — лицензиат ҳамда лицензияловчи орган учун биттадан нусхада тузилади.

39-модда. Лицензияни қайта расмийлаштириш.

Юридик шахс бўлмиш лицензиат ўзгартирилган, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтганидан кейин бир ой муддатда лицензияловчи органга, кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида фаолиятнинг айна бир лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензияга эга юридик шахслар бўлмиш лицензиатлар қўшиб юборилган тақдирда, лицензияни ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган тартибда қайта расмийлаштиришга йўл қўйилади.

Лицензиянинг амал қилиши лицензияланадиган фаолият турининг бир қисми (қисмлари) учун тугатилган тақдирда, лицензия қайта расмийлаштирилади.

Ҳужжатлар лицензияловчи органга лицензиат томонидан бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар лицензиатнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Лицензия қайта расмийлаштирилгунига қадар лицензиат унда кўрсатилган фаолиятни аввал берилган лицензия асосида амалга оширади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензияловчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришларни киритади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган лицензияни қайта расмийлаштириш ҳақидаги аризани мазкур модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда олгандан ёки лицензияланувчи фаолият турининг қисми (қисмлари)га лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилганидан кейин беш кун ичида амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия даъвогарининг лицензия бериш ҳақидаги аризасини кўриб чиқиш учун тўланадиган сумманинг ярмиси миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим лицензияловчи органнинг банкдаги ҳисобрақамига ўтказилади.

Лицензияланувчи фаолиятнинг мазкур модданинг биринчи қисми талабларини бузган ҳолда амалга оширилиши қонун ҳужжатларида лицензиясиз фаолият билан шуғулланганлик учун белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

40-модда. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш.

Лицензияловчи орган ўз ваколати доирасида лицензиатлар томонидан “Алоҳида фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунининг 21-моддасида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

41-модда. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб тутиш, тугатиш ва бекор қилиш.

Лицензиянинг амал қилиши “Алоҳида фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда тўхтатиб турилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Суд лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришни асоссиз деб топган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

Лицензиянинг амал қилиши “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда тугатилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин. Суд лицензиянинг амал қилишини тугатишни асоссиз деб топган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

Лицензия “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бекор қилинади.

Лицензияловчи органнинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Суд лицензиянинг бекор қилинишини асоссиз деб топган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

42-модда. Лицензияларнинг реестрлари.

Лицензияловчи орган белгиланган тартибда лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар, уларга юридик шахснинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги

хақида маълумотлар (рўйхатга олиш санаси, давлат рўйхатидан ўтганлиги хақида гувоҳномани бериш санаси ва рақасми), почта манзили, телефонлар ва факс рақамлари, электрон почта манзили киритилади;

лицензияланадиган фаолият тури, лицензият бажарадиган ишларни кўрсатган ҳолда;

лицензия берилган сана ва унинг тартиб рақами;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш асослари ҳамда саналари;

лицензияларнинг амал қилишини тугатиш асослари ва саналари;

лицензияларни бекор қилиш асослари ва саналари.

Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади.

Лицензиялар реестрини юритиш тартиби лицензияловчи орган томонидан белгиланади.

6-боб. Геодезия ва картография ишларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга оширишда яратиладиган маҳсулотни ҳисобга олиш ва ундан фойдаланиш тартиби

43-модда. Геодезия ва картография ишларини рўйхатдан ўтказиш.

Умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картография ишлари, шунингдек умумдавлат ёки тармоқлараро қимматга эга бўлган ҳамда таркибида махсус геодезия тармоқларини ривожлантириш ишлари бўлган тармоққа оид (махсус) аҳамиятга эга ишлар рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Геодезия ва картография ишларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли органга идоравий мансуб ташкилот томонидан берилади.

Геодезия ва картография ишларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор фақат геодезия ва (ёки) картографияга оид фаолиятни амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахсларга берилади.

Геодезия ва картография ишларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор амал қилиш муддати чекланмасдан берилади.

Геодезия ва картография ишларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорни бериш, қайта расмийлаштириш, амал қилишини тўхтатиб туриш,

тугатиш ва бекор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низом билан белгиланади.

Геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли органга идоравий мансуб ташкилот геодезия ва картография ишларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида берилган қарорлар реестрини юритади.

Геодезия ва картография ишларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорни бериш ҳақида аризани кўриб чиққанлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ йиғим ундирилади.

44-модда. Геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотлар экспертизаси.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилادиган умумдавлат аҳамиятига ва махсус (тармоқ) аҳамиятга молик геодезия ва картография ишларини ва бошқа ишларни бажариш натижасида олинган геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотлар экспертиза қилиниши керак.

Геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотлар экспертизасини геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган ўтказди.

Геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотларнинг экспертизасини ўтказишда уларнинг геодезия ва картографияга оид фаолиятни техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек геодезия ва картография ишларини амалга ошириш техник лойиҳалари (дастурлари) талабларига мувофиқлиги аниқланади.

Геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотларнинг экспертизаси геодезия ва картографияга оид фаолият субъектларининг ўзлари бажарган геодезия ва картография ишлари ҳақидаги техник ҳисоботлари асосида ўтказилади. Бажарилган геодезия ва картография ишлари ҳақидаги техник ҳисоботларга талаблар геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан ўрнатилади.

Экспертизага берилган геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотларнинг геодезия ва картографияга оид фаолиятни техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, геодезия ва картография ишларини амалга ошириш лойиҳалари (дастурлари) талабларига мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, экспертизанинг салбий хулосаси тайёрланади ҳамда ушбу материаллар ва маълумотлар ижрочига қайта ишлаш учун қайтариб

берилади.

Экспертизага берилган геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотларнинг геодезия ва картографияга оид фаолиятни техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, геодезия ва картография ишларини амалга ошириш лойиҳалари (дастурлари) талабларига мувофиқлиги аниқланган тақдирда, экспертизанинг ижобий хулосаси тайёрланади, у кўрсатилган материаллар ва маълумотлардан хўжалик фаолиятида ва бошқа фаолиятда фойдаланиш учун асос бўлади.

Геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотлар экспертизасини ўтказиш тартиби геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

45-модда. Геодезия ва картография фаолиятини молиялаштириш

Умумдават аҳамиятига молик геодезия ва картография ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картография ишларини молиялаштириш шартнома асосида буюртмачилар – давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотлар экспертизаси бўйича ишларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

46-модда. Геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга оширишда хавф-хатарларни суғурталаш.

Геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга ошираётганда юзага келадиган хавф-хатарларни суғурталаш тендерларда иштирок этиш учун ҳамда шартномалар тузишдаги зарурий шарт бўлиб, қуйидаги шаклларда амалга оширилади: мулкий суғурта, ҳаётни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, жавобгарликни суғурталаш.

Мулкий суғурта:

қиммат геодезия ва картография ускунасининг ўғирланиши;

дала геодезия ўлчовларини бажаришда геодезия асбоблари ва ускуналарининг тушиб кетиши;

дала геодезия ишларини бажаришда транспорт босиб кетиши ва пиёдаларнинг хатти-ҳаракатлари;

ташишда содир бўладиган шикастланишлар;

об-ҳаво таъсири ва бошқа мулкый хавф-хатарларга нисбатан амалга оширилади.

Ҳаётни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш:

ўтиш қийин бўлган жойларда (тоғлардан, дарёлардан ўтишда ва ҳ.к.) геодезия ишларини бажариш;

баланд объектларда геодезия ишларини бажариш;

йиртқич ҳайвонлар хужум қилиши, ҳашаротлар чақиши эҳтимоли мавжуд жойларда геодезия ишларини бажариш;

шароити зарарли объектларда, карьерларда, тоннелларда, кончилик ишлаб чиқариши ва бошқа шу каби объектларда геодезия ишларини бажаришга нисбатан амалга оширилади.

Жавобгарликни суғурталаш:

Шартнома бажарилиши кафолатини (тўлов қобилиятини) таъминлаш учун;

Геодезия ишларини бажаришда, лойиҳаларни натурага олиб чиқишда, техник ускунани монтаж қилишда хатолар;

Ускунанинг саноат объектларида жойлашувини назорат қилишда уни беҳосдан ишдан чиқариш;

Чизикли қидирувларда ишларни бажариш билан боғлиқ экинларнинг захарланиши;

Ўрмон жойларда беҳосдан (эҳтиётсизлик оқибатида) ёнғин келиб чиқиши ва бошқа шунга ўхшаш хавф хатарларга нисбатан амалга оширилади.

Геодезия ва картография фаолиятини амалга оширишда хавф-хатарларни суғурталаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

47-модда. Геодезия ва картография фаолиятини амалга оширишда яратиладиган маҳсулот турлари.

Геодезия ва картография фаолиятини амалга оширишда яратиладиган маҳсулот турларига қуйидагилар киради:

геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотлар;

геодезия пунктлари;
 геофазовий маълумотлар;
 географик ахборот тизимлари;
 фазовий маълумотлар инфратузилмаси;
 илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-технологик ишлар натижалари, жумладан геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги норматив-техник ҳужжатлар.

48-модда. Геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга оширишда яратиладиган маҳсулотга давлат мулкчилиги.

Геодезия ва картография фаолиятини амалга оширишда яратиладиган, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган маҳсулот, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат картография-геодезия фонди маълумотлари Ўзбекистон Республикасининг мулкидир.

49-модда. Геодезия ва картография фаолияти натижасида олинган интеллектуал мулк объектлари.

Геодезия ва картография материаллари ва маълумотлари, геофазовий маълумотлар, географик ахборот тизимлари, фазовий маълумотлар инфратузилмаси, геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-технологик ишлар натижалари интеллектуал мулк объектларидир.

Геодезия ва картография фаолияти натижасида олинган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш, ушбу объектларга муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

50-модда. Геодезия ва картография ишларининг давлат ҳисоби.

Геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга оширишда бажариладиган умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картография ишлари геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотларни тўплаш, уларга ишлов бериш, сақлаш ва қўллаш мақсадида албатта давлат ҳисобига олиниши керак.

Геодезия ва картография ишларининг давлат ҳисоби уларни рўйхатга

олишда ва давлат картография-геодезия кадастрини юритишда амалга оширилади.

Геодезия ва картография ишларининг давлат ҳисобини геодезия ва картография соҳасидаги махсус ваколатли орган амалга оширади.

51-модда. Давлат картография-геодезия кадастри.

Давлат картография-геодезия кадастри Ягона давлат кадастрлари тизимининг таркибий қисми бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотлар бажариладиган геодезия ва картография ишлари, уларнинг миқдор ва сифат тавсифлари тўғрисидаги янгиланадиган тўғри (ишончли?) ахборот тизимидан иборат.

Давлат картография-геодезия кадастрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

52-модда. Ўзбекистон Республикаси картография-геодезия фонди.

Геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга ошириш натижасида олинган геодезия ва картография материаллари ва маълумотлари Ўзбекистон Республикасининг картография-геодезия фондини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг картография-геодезия фонди таркибидан Давлат ва идоравий картография-геодезия фондлари жой олган.

Давлат картография-геодезия фонди (ДКГФ) геодезия ва картографияга оид фаолият натижасида яратилган, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ва уларнинг яратилиши тури, жойи ва уларга бўлган мулкчилик шаклидан қатъи назар улардан кейинчалик фойдаланиш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда сақланадиган геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотларни ўз ичига олади.

Давлат картография-геодезия фонди геодезия ва картография соҳасидаги махсус ваколатли орган юритувидадир.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг картография-геодезия фонди унинг юритувидадир.

Идоравий картография-геодезия фондлари махсус (тармоққа оид) аҳамиятга эга геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотларни ўз ичига олади ҳамда тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари юритувида бўлади.

Давлат картография-геодезия фондлари ҳақидаги низомлар ҳамда

уларда мавжуд геодезия ва картографияга оид материаллар рўйхатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

Белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондига киритилган Ўзбекистон Республикаси картография-геодезия фондининг геодезия ва картографияга оид материаллари ва маълумотлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга олинади, сақланади ва фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида геодезия ва картография ишларини бажарувчи геодезия ва картографияга оид фаолият субъектлари ўзлари томонидан яратилган геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотларнинг бир нусхасини Давлат геодезия ва картографияга фондига бепул беришлари шарт.

Геодезия ва картографияга оид фаолият субъектларининг ўзлари томонидан яратилган геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотларни Давлат геодезия ва картографияга фондига беришлари, ушбу материаллар ва маълумотларнинг сақланиши ва фойдаланилиши, идоравий картография-геодезия фондлари давлат реестрларини юритиш устидан давлат геодезия назоратини геодезия ва картография соҳасидаги махсус ваколатли орган олиб боради.

53-модда. Геодезик ва картографик материаллар ва маълумотлардан фойдаланиш тартиби.

Юридик ва жисмоний шахслар мазкур Қонун талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган тартибга риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат картография-геодезия фонди ва идоравий картография-геодезия фондлари материаллари ва маълумотларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси картография-геодезия фонди материалларидан фойдаланганда қуйидагилар тақиқланади:

геодезия ва картография материаллари ва маълумотларидан рухсатсиз нусха кўчириш;

аэросъёмка материаллари, шунингдек давлат сирини ташкил қиладиган маълумотларни ташувчи материалларни бундай материалларнинг сақланишини таъминлаш учун муносиб шароитларга эга бўлмаган ташкилотларга бериш.

Ўзбекистон Республикаси картография-геодезия фондининг геодезия

ва картографияга оид материаллари ва маълумотлари фойдаланувчилари олинган материаллар ва маълумотларнинг сақланишини таъминлаши, уларни белгиланган муддатларда қайтариши ҳамда уларда мавжуд давлат сирини ташкил қиладиган маълумотларни ошкор қилмаслиги шарт.

Ўзбекистон Республикаси картография-геодезия фондининг геодезия ва картографияга оид материаллари ва маълумотларини учинчи шахсларга бериш ва улардан нусха кўчиришга ушбу материаллар (маълумотлар)ни тасарруф этган органларнинг рухсатисиз йўл кўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси картография-геодезия фондининг геодезия ва картографияга оид материалларидан фойдаланганлик учун тўлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатиладиган тартибда амалга оширилади.

Давлат сирини ташкил қиладиган геодезия, картография материаллари ва маълумотлари йўқотилган тақдирда фойдаланувчилар дарҳол бу ҳақда геодезия ва картография соҳасидаги махсус ваколатли органни ёки Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигини (агар вазирлик материаллар ва маълумотларнинг эгаси бўлса), шунингдек бошқа давлат органларини конун ҳужжатларига мувофиқ хабардор қилиши шарт.

7-боб. Давлат геодезия назорати ва геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши учун жавобгарлик.

54-модда. Давлат геодезия назорати вазифалари.

Давлатт геодезия назорати геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва чек қўйиш мақсадида амалга оширилади.

Давлат геодезия назоратининг асосий вазифалари қуйидагилар:

геодезия ва картографияга оид фаолиятнинг барча субъектлари томонидан геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига, лицензия талаблари ва шартларига, геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

геодезия ва картография ишлари, геодезия пунктларини рўйхатга ва ҳисобга олишни ташкил қилиш;

Давлат геодезия-картография фондининг фаолият юритишини таъминлаш.

55-модда. Давлат геодезия назоратининг функциялари.

Давлат геодезия назоратининг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

геодезия ва картографияга оид фаолиятнинг барча субъектлари томонидан геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги қонун ҳужжатларига, лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва уларга йўл қўймаслик ни назорат қилиш;

картографияга оид материалларда ва бошқа ҳужжатларда Давлат чегараси ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг тўғри акс эттирилганлигини назорат қилиш;

умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картография ишларини рўйхатдан ўтказиш;

геодезик пунктларни ҳисобга олиш;

давлат геодезия, нивелир, гравимерик тармоқлар геодезия пунктларининг, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа геодезия пунктларининг сақланганлиги ва уларнинг муҳофаза зоналари режимига риоя этилишини назорат қилиш;

геодезия ва картографияга оид фаолият субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикаси картография-геодезия фонди материаллари ва маълумотларининг сақланишини назорат қилиш;

геодезия ва картографияга оид фаолият субъектлари томонидан геодезик координаталар, баландликлар, гравиметрик ўлчовлар давлат тизимлари ва давлат топографик хариталар ва тархларнинг масштаб қатори, маҳаллий ва бошқа координаталар тизимининг қўлланилишини назорат қилиш;

геодезия ва картографияга оид фаолият субъектлари томонидан умумдавлат аҳамиятига молик геодезик материаллар ва маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат геодезия-картография фондига топширилишини, шунингдек улар олган ушбу фонд материаллари ва маълумотларидан фойдаланишини назорат қили

Ўзбекистон Республикасининг навбатчи маълумотнома харитасини юритиш.

56-модда. Давлат геодезия назорати мансабдор шахслари компетенцияси.

Давлат геодезия назоратининг мансабдор шахслари мазкур Қонуннинг 54 ва 55-моддаларида назарда тутилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Геодезия ва картография ишларини ташкил қилиш ва бажариш, шунингдек ушбу ишларни бажариш натижасида олинган геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотларни тўплаш, ҳисобга қўйиш, сақлаш, фойдаланиш ва реализация қилиш тартибида аниқланган бузилишларнинг бартараф этилишини талаб қилиш;

геодезия ва картография ишлари рўйхатга олинмасдан, ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда лицензия талаблари ва шартларини бузган ҳолда амалга ошириладиган бўлса, белгиланган тартибда уларни тўхтатиб туриш;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга геодезия ва картографияга оид материаллар ва маълумотлар, шунингдек геодезия ва картографияга оид фаолият масалалари бўйича бошқа зарур ҳужжатлар билан танишиш учун имкон бериш;

геодезия ва картографияга оид фаолият субъектларидан мазкур Қонунда назарда тутилган функцияларни амалга ошириш учун зарур ахборотни олиш.

Ўзбекистон Республикасида давлат геодезия назорати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

57-модда. Низоларни ҳал этиш.

Геодезия ва картографияга оид фаолият масалалари бўйича низолар геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан, ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судда кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

58-модда. Геодезия ва картографияга оид фаолият ҳақида қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Геодезия ва картографияга оид фаолият соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

59-модда. Геодезия ва картографияга оид фаолият натижасида етказилган зарарни қоплаш.

Геодезия ва картографияга оид фаолият натижасида шахсга ёхуд юридик ёки жисмоний шахснинг мол-мулкига етказилган зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши лозим.